



CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF DIGITALIZATION OF THE MODERN LEGAL SYSTEM: NORMATIVE, PROCEDURAL AND INSTITUTIONAL TRANSFORMATION

Adilova Marzhangul Elmuratovna

Teacher of the Department of "Human Rights, Public Law and
Governance" of the Berdakh Karakalpak State University

Gulimbetova Khurliman Yusup kizi
Student of the Faculty of Law of the
Berdakh Karakalpak State University

Abstract

This thesis examines the institutional and normative role of digital technologies in shaping a modern legal system. The study aims to identify how digitalization transforms law-making, law enforcement, and procedural guarantees. The methodology relies on systemic legal analysis and comparative legal methods. The scientific novelty lies in proposing conceptual criteria for digital legal governance and a model for assessing legal risks associated with digital transformation.

Keywords: Digital transformation; e-government; legal framework modernization; law enforcement; procedural guarantees; data protection; algorithmic governance

ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ: НОРМАТИВЛИК, ПРОЦЕССУАЛЛИК ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯ

АДИЛОВА МАРЖАНГУЛ ЕЛМУРАТОВНА

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

"Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқарув" кафедраси ўқитувчиси

ГУЛИМБЕТОВА ҲУРЛИМАН ЮСУП ҚИЗИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети,

юридика факультети талабаси

Аннотация:

Ушбу тезис замонавий ҳуқуқ тизимини шакллантириш жараёнида рақамли технологияларнинг институционал ва норматив мазмунини таҳлил қилади. Тадқиқотнинг мақсади рақамлаштириш шароитида ҳуқуқ ижодкорлиги,





ҳуқуқни қўллаш ва процессуал кафолатлар трансформациясини аниқлашдир. Методология сифатида тизимли-ҳуқуқий ва қиёсий таҳлил қўлланади. Илмий янгилик рақамли ҳуқуқий бошқарув учун концептуал мезонлар ва рискларни ҳуқуқий баҳолаш моделини асослашдадир.

Аннотация:

Настоящие тезисы анализируют институциональное и нормативное значение цифровых технологий в формировании современной правовой системы. Цель исследования состоит в выявлении трансформации правотворчества, правоприменения и процессуальных гарантий в условиях цифровизации. Методологическую основу составляют системно-правовой и сравнительно-правовой анализ. Научная новизна заключается в обосновании концептуальных критериев цифрового правового управления и модели правовой оценки рисков.

Калит сўзлар: рақамли трансформация; электрон ҳукумат; норматив-ҳуқуқий базани модернизация; ҳуқуқни қўллаш; процессуал кафолатлар; маълумотларни ҳимоя қилиш; алгоритмик бошқарув

Ключевые слова: цифровая трансформация; электронное правительство; модернизация нормативно-правовой базы; правоприменение; процессуальные гарантии; защита данных; алгоритмическое управление

Introduction

Замонавий ҳуқуқ тизими ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, иқтисодий муомалаларнинг тезлашуви ва ахборот оқимларининг кўпайиши шароитида анъанавий норматив тартибга солиш воситалари билан бир қаторда рақамли технологиялар орқали бошқариш имкониятларини ҳам ўзида мужассам этмоқда. Рақамли технологиялар ҳуқуқ тизимида фақат техник восита сифатида эмас, балки ҳуқуқий тартибга солишнинг янги архитектурасини шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлади. Шу маънода, рақамлаштириш ҳуқуқнинг уч асосий блокига, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларига бир вақтда таъсир кўрсатади. Бу жараёнлар конституциявий-ҳуқуқий қадриятлар, давлат бошқаруви ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари билан узвий боғлиқ бўлгани учун, рақамли технологияларнинг моҳиятини





нормативлик, легитимлик ва жавобгарлик мезонлари орқали таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Рақамли технологияларнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрни, аввало, ҳуқуқий тартибга солишнинг предметини кенгайтириши билан изоҳланади. Анъанавий ёндашувда ҳуқуқ кўпроқ субъектларнинг хатти-ҳаракатини белгилашга қаратилган бўлса, рақамли муҳитда тартибга солиш объекти сифатида маълумотлар айланиши, рақамли идентификация, платформавий хизматлар, алгоритмик қарор қабул қилиш ва ахборот инфратузилмасининг барқарорлиги каби категориялар ҳам пайдо этади. Бу эса норматив ҳужжатларнинг техник нейтраллиги, ҳуқуқий аниқлик ва олдиндан кўра билиш тамойилига қўйиладиган талабларни кучайтиради.

Рақамли трансформация шароитида ҳуқуқнинг предмети ва усули ўртасидаги мувозанат ҳам ўзгаради: диспозитив тартибга солиш кўпинча стандартлар, техник регламентлар ва маълумотлар хавфсизлиги протоколлари билан боғланади, императив тартибга солиш эса шахсий ҳаёт дахлсизлиги, маълумотларни ҳимоя қилиш ва давлат хизматларининг шаффофлиги каби соҳаларда кучаяди. Мазкур ўзгаришларнинг концептуал асосларини таҳлил қилишда рақамли ҳуқуқий бошқарув ғояси муҳим ўрин тутади, чунки у давлатнинг хизмат кўрсатиш модели, маъмурий жараёнларнинг рақамлаштирилиши ва ҳуқуқий назоратнинг янги шакллари бирлаштиради.

Ҳуқуқ ижодкорлиги доирасида рақамли технологиялар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва баҳолашнинг далилларга асосланган, маълумотларга таянадиган усуларини фаоллаштиради. Норматив тартибга солиш таъсирини баҳолаш, жамоатчилик муҳокамаларини онлайн платформаларда ташкил этиш, норматив маълумотлар базаларини очиқ юритиш ва ҳуқуқий мониторинг тизимларини жорий этиш норматив ижоднинг сифат кўрсаткичларини ошириши мумкин. Бироқ бунда икки турдаги хавф ажралиб чиқади. Биринчиси, норматив қарорлар “маълумотлар мавжуд бўлган” соҳаларга оғишиб, ижтимоий аҳамиятли, аммо рақамли излари кам бўлган муаммолар эътибордан четда қолиши эҳтимоли бўлса, иккинчиси, норматив ҳужжатлар техник ечимларга ҳаддан ташқари боғланиб, уларнинг тез эскириши натижасида ҳуқуқий барқарорликка путур етказиши мумкин. Шу сабабли рақамли давр ҳуқуқ ижодкорлигида технологик нейтраллик ва функционал эквивалентлик ёндашувлари устувор бўлиши лозим, яъни ҳуқуқий норма технологиянинг аниқ турига эмас, балки у





бажарадиган функцияга нисбатан қўлланиши керак. Бу ёндашув норматив мослашувчанликни таъминлайди ва ҳуқуқнинг ортиқча “техниклаштирилиши” хавфини камайтиради.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида рақамлаштириш, бир томондан, маъмурий хизматлар ва процессуал ҳаракатларни тезлаштиради, иккинчи томондан, қарор қабул қилишнинг асослантилганлиги ва адолатлилиги бўйича янги саволларни келтириб чиқаради.

Суд ва маъмурий органларда иш юритишнинг рақамли форматга ўтиши процессуал иқтисод ва очиқликни кучайтириши мумкин, аммо техник носозликлар, рақамли тенгсизлик ва маълумотларнинг нотўғри киритилиши процессуал кафолатларни заифлаштириш эҳтимолини ҳам туғдиради. Шу нуқтаи назардан, рақамлаштириш ҳуқуқни қўллашни “автоматлаштириш” билан тенглаштирилмаслиги, аксинча, инсон омилининг масъулияти ва процессуал назорат механизмларини қайта такомиллаштиришини талаб қилиши керак.

Халқаро адабиётларда алгоритмли қарорларнинг тушунтирилувчанлиги, дискриминацион натижаларга олиб келмайдиган маълумотлар тарафкашлиги, шунингдек, автоматлаштирилган профиль тузишнинг ҳуқуқий чегаралари муҳокама қилинади.

Мазкур ёндашувлар Ўзбекистон шароитида ҳам долзарб бўлиб, конституциявий тамойиллар билан мос келувчи минимал стандартларни белгилаш заруратини кўрсатади.

Рақамли технологияларнинг моҳиятини очишда маълумотлар билан боғлиқ ҳуқуқий режим марказий ўрин эгаллайди. Чунки рақамли давлат хизматлари, идоралараро интеграция ва платформавий бошқарувнинг барчаси маълумотлар йиғилиши, узатилиши ва таҳлилига таянган ҳолда ишлайди. Бу эса шахсий маълумотлар, хизмат сирлари ва очиқ маълумотлар ўртасидаги мувозанатни нозик ҳуқуқий масалага айлантиради. Шу билан бирга, очиқ маълумотлар сиёсати давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини оширади, илмий ва инновацион экотизимни қўллаб-қувватлайди, лекин очиқликнинг чегаралари аниқ белгилаб қўйилмаса, реидентификация хавфи ёки ножўя иккиламчи фойдаланиш ҳоллари пайдо бўлиши мумкин. Демак, рақамли бошқарувда ҳуқуқий мувозанат “максимал очиқлик” ёки “максимал ёпиқ режим” каби кескин ёндашувларда эмас, балки рискка асосланган дифференциал тартибга солишда намоён бўлади.



Давлат бошқаруви тизими учун рақамли технологиялар институтчионал қайта ташкил этиш омили сифатида ҳам аҳамиятли. Электрон ҳукумат инфратузилмаси, идоралараро маълумот алмашинуви ва “ягона дарча” тамойили маъмурий тўсиқларни камайтиради, хизматлар сифатини оширади ва коррупциявий хавфларни қисқартириши мумкин. Бироқ бу натижалар автоматик тарзда юзага келмайди: рақамлаштириш маъмурий жараёнларни соддалаштириш билан бир қаторда, ваколатлар тақсимоти, масъул шахслар, маълумотлар операторлари ва процессуал муддатлар бўйича аниқликни талаб қилади. Институционал дизайнда муҳим масала шундаки, рақамли платформалар кўпинча турли идоралар манфаатлари кесишадиган нуқтага айланади ва маълумотлар “кимга тегишли” ҳамда “ким жавобгар” деган саволларни кескинлаштиради. Шу сабабли норматив-ҳуқуқий базада маълумотлар бошқаруви бўйича ваколатларнинг аниқ иерархияси, аудит ва ҳисобдорлик механизмлари, шунингдек, техник пудратчилар билан муносабатларда давлат манфаатини ҳимоя қилувчи стандарт шартлар мустаҳкамланиши зарур.

Рақамли трансформациянинг яна бир муҳим ўлчови ҳуқуқий хизматлар ва адлия тизимининг очиқлиги ҳамда фойдаланиш имкониятидир. Онлайн мурожаатлар, электрон ариза ва шикоятлар, суд ҳужжатларининг рақамли нусхалари фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояга эришиш харажатларини камайтиради. Шу билан бирга, рақамли каналларни устуворлаштириш ижтимоий гуруҳлар ўртасида рақамли тафовут мавжуд бўлса, тенглик тамойилига билвосита зарар етказиши мумкин. Демак, ҳуқуқий сиёсат “рақамли стандарт”ни жорий этар экан, муқобил офлайн механизмларни ҳам маълум ўтиш даврида сақлаши, шунингдек, рақамли саводхонликни ошириш ва ёрдамчи институтларни кучайтириши лозим. Бу масала конституциявий-ҳуқуқий ёндашувда инсоннинг кадр-қиммати, тенглик ва судга мурожаат қилиш ҳуқуқи билан бевосита боғланади.

Замонавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришда норматив-ҳуқуқий асосларнинг барқарорлиги ва тизимлилиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун ҳуқуқ ижодкорлигининг институционал ва процессуал чегараларини белгиловчи фундаментал манба сифатида намоён бўлади. Мазкур қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари, уларнинг юридик кучи, қабул қилиниш тартиби ҳамда амал қилиш механизмларини аниқлаштириш орқали ҳуқуқ тизимининг ички изчиллигини таъминлайди.





Рақамли трансформация шароитида ушбу қонуннинг аҳамияти янада ортиб, у норматив тартибга солишнинг янги шакллари хуқуқий жиҳатдан англаш имконини беради. Хусусан, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш жараёнларининг рақамлаштирилиши хуқуқ ижодкорлигининг очиқлиги ва иштирокчилигини кенгайтормоқда. Онлайн жамоатчилик муҳокамалари, электрон норматив базалар ва хуқуқий мониторинг тизимлари орқали норматив ҳужжатларнинг сифатини оширишга хизмат қилувчи янги механизмлар шакллантирди. Бу эса хуқуқ ижодкорлигининг анъанавий моделидан маълумотларга асосланган ва интерактив моделга ўтишини англатади.

Замонавий хуқуқ тизимини рақамлаштириш жараёнининг норматив мустаҳкамловчи яна битта Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ЎРҚ-1003 сонли қонуни мисолида яққол намоён бўлади. Мазкур қонун билан процессуал қонунчиликка “рақамли далил” тушунчасининг киритилиши хуқуқ тизимининг трансформациясида муҳим босқични англатди. Чунки у нафақат технологик ўзгаришларни хуқуқий жиҳатдан эътироф этади, балки хуқуқни қўллаш амалиётида янги стандартлар ва кафолатларни шакллантиради. Хусусан, электрон ҳужжатлар, аудио ва видео ёзувлар, шунингдек, ахборот тизимларида шаклланган маълумотларнинг далил сифатида тан олиниши процессуал фаолиятнинг рақамли муҳитга мослашганлигини кўрсатади. Мазкур норматив янгилик хуқуқ тизимининг процессуал даражасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради. Аввалги ёндашувларда далиллар асосан моддий шаклга эга бўлган объектлар орқали ифодаланган бўлса, эндиликда ахборотнинг ўзи мустақил хуқуқий қиймат касб этмоқда.

Тадқиқот натижалари сифатида рақамли технологияларнинг хуқуқ тизимидаги моҳиятини уч даражада изоҳлаш мумкин.

Биринчи даража норматив даража бўлиб, унда рақамли муносабатлар учун хуқуқий таърифлар, субъектлар мақоми ва жавобгарлик асослари белгилаб берилади.

Иккинчи даража процессуал даража бўлиб, унда рақамли далиллар, электрон ҳужжатлар, идентификация ва аутентификация, шунингдек, автоматлаштирилган қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби каби кафолатлар шакллантирилади.

Учинчи даража институционал даража бўлиб, унда платформалар бошқаруви, маълумотлар алмашинуви ва назорат органлари ўртасидаги координация механизмлари мустаҳкамланади.





Ушбу уч даража ўзаро уйғунлашмагунча, рақамлаштириш айрим жараёнларни тезлаштирса-да, ҳуқуқ тизимининг яхлитлиги ва легитимлигига кутилган даражада хизмат қилмайди

Рақамли технологиялар замонавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришда қўшимча инструмент эмас, балки ҳуқуқнинг норматив, процессуал ва институционал қатламларини бир вақтда қайта ташкил этувчи тизим ҳосил қилувчи омилдир. Рақамлаштиришнинг ижобий натижалари ҳуқуқ ижодкорлигида технологик нейтраллик ва функционал эквивалентликни таъминлаш, ҳуқуқни қўллашда тушунтирилувчанлик ва процессуал назоратни кучайтириш, маълумотлар бошқарувида эса тавакалчиликка асосланган ҳимоя ва аудит механизмларини жорий этиш орқали барқарор тус олади. Шунингдек, рақамли адлия ва электрон хизматлар инсон марказли дизайн, тенг имконият ва ҳуқуқий ёрдам институтлари билан уйғунлашгандагина конституциявий қадриятларга мос, самарали ва ишончли замонавий ҳуқуқ тизими шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 21.11.2024 йилги ЎРҚ-1003 сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 20.04.2021 йилги ЎРҚ-682 сонли Қонуни.
3. ПФ-6079-сон Президент Фармони — “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йил.

II. Илмий адабиётлар:

4. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсати ва рақамли трансформация. — Тошкент: ТДЮУ, 2022.
5. Исмаилов Ш.А. Рақамли давлат бошқаруви ва маъмурий ҳуқуқ реформаси. — Тошкент: «Адолат», 2023.
6. Саидов А.Ҳ. Замонавий ҳуқуқ тизимлари ва рақамлаштириш жараёнлари. — Тошкент: Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, 2021.





7. Хусанов О. А. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими: конституциявий-ҳуқуқий таҳлил. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2021. — 312 б.
8. Suskind R. Tomorrow's Lawyers: An Introduction to Your Future. — Oxford University Press, 2017
9. Richard Susskind Online Courts and the Future of Justice. — Oxford: Oxford University Press, 2019. — 368 б.

